

## Аллоҳнинг суннати



19:00 / 24.12.2024 2135

﴿الْكَافِرِينَ الْقَوْمَ يَهْدِي لِآلِهَةٍ إِنَّمَا يُنزلُ مَا يَلِغُ الرُّسُولُ يَأْتِيهَا﴾

**«Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар (шундай) қилмасанг, Унинг рисолатини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас» (Моида сураси, 67-оят).**

Бу ояти карима Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бўлиб, Аллоҳ таоло у кишига ҳар қандай шароитда, одамларнинг қабул этиш-этмаслигига қарамай, даъват қилавериш лозимлигини буюрмоқда:

**«Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ».**

Зотан, пайғамбарлик вазифаси ўзи шундан иборат. Бошқа оятларда одамларга Аллоҳдан нозил қилинган нарсани қандай етказишнинг таълими ҳам берилган. Жумладан, ҳикмат ва яхши мавъизалар билан етказиш таълими. Демак, нима қилиб бўлса ҳам, Аллоҳдан нозил қилинган нарсани етказиш вазифаси мавжуд.

**«Агар (шундай) қилмасанг, Унинг рисолатини етказмаган бўласан».**

Яъни «Агар Роббингдан нозил қилинган нарсани етказмасанг, Аллоҳнинг Пайғамбарлиги вазифасини адо этмаган бўласан. Аммо етказиш осон иш эмас. Ислом даъвати йўлида тўсиқлар кўп бўлади. Мусулмон даъватчининг душманлари кўпдир. Унга қарши турли ифво-бўхтонлар уюштирилади, маломатлар қилинади. Обрўсига, молига ва жонига суиқасд қилинади. Аммо бу нарсалардан қўрқма». Чунки:

**«Аллоҳ сени одамлардан сақлар».**

Уларнинг ёмонликларидан асрайди.

Ривоятларда келишича, ушбу ояти карима нозил бўлишидан олдин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турар жойларини саҳобалардан баъзилари қўриқлаб туришар экан. Ушбу ояти карима нозил бўлганидан сўнг, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларидан чиқиб: «Сизлар бораверинглар, мени Аллоҳ Ўзи сақлайдиган бўлди», – деганлар. Қуръоннинг мўъжизалигининг тасдиғига қарангки, шундан сўнг ҳеч ким у зотга катта зарар етказа олмаган.

Исломга даъват қанчалик кучли бўлмасин, баъзилар тўғри йўлга юрмасликлари мумкин. Бундай пайтда даъватчи тушкунликка тушмаслиги керак. Аллоҳнинг суннати ўзи шундай:

**«Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас».**

***«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди***